

**Жорий таъмирлашга оид  
ШАРТНОМА №92295-69**

**Самарканд шахар**

Шартнома тузилган жой

«07» июн 2022 йил

“Color Force” МЧЖ кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи К.Мирмухамедов номидан, бир томондан ва Самарканд шахар мактабгача таълим булими кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар С.Номиров номидан, иккинч томондан мазкур шартномани кўйидагилар хақида туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га Бинони жорий таъмирлаш (кейинги ўринларда - “Ишлар” деб юритилади) ишларини бажариш, “Буюртмачи” ушбу “Ишлар”ни қабул килиш ва кийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. “Ишлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий кисми хисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошлангич нархи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	69-МТТ биносини жорий таъмирлаш	747 801 979,0	725 367 919,0
	<b>Жами</b>	<b>747 801 979,0</b>	<b>725 367 919,0</b>

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 725 367 919,0 (Етти юз йигирма беш миллион уч юз олтмиш етти минг тўккиз юз ўн тўккиз) сўмни ташкил киласди

1.3. Ишни бошлиш ва топшириш муддати: Бошлиниши: “07” июнда 2022 йил, тугаши: “05” сентябр 2022 й.

**II. ТОМОНЛАРНИНГ  
ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

2.1. “Буюртмачи”нинг хукуклари:

2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “Бажарувчи” дан “Ишлар” “Буюртмачи” нинг хисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуксон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Ишлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган “Ишлар” кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган “Ишлар” шунга ўхша “Ишлар” билан алмаштирилишини;

- “Ишлар”нинг камчиликлари белуп бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёхуд учинчи шахслар томонъидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарап қопланишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган “Ишлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» кўйидаги хукукларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган “Ишлар” учун олдиндан ҳак тўланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил хисоб килинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган “Ишлар”ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарап қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» кўйидагиларга мажбур:

2.4.1. “Буюртмачи”га “Ишлар”ни мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар “Ишлар”ни бажариш жарабаёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишига йўл кўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

**III. ШАРТНОМАНИНГ  
БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 725 367 919,0 (Етти юз йигирма беш миллион уч юз олтмиш етти минг тўккиз юз ўн тўккиз) сўмни ташкил этади. Бажариладиган “Ишлар”нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган “Ишлар” учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб килинади.

3.3. “Буюртмачи” мазкур контрактни Фазначиликда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичиди конунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30% микдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини

олади, қолган 70% ни бажарилган ишлар тұғрисидаги далолатнома имзоланғандан сүнг 10 банк иш куни ичида қабул килиш далолатномаси, хисоб-фактура в.б. асосида тұлайды.

#### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар үз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама үзгәртиришга йўл қўйилмайди, конун хужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" қабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул килишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошка номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида каралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъуль ходими томонидан далолатнома бўйича қабул килинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнода амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегиши кисмларини кўрсатиш мўлжаллаиётган санасигача камидаги 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошчача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул килишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да коладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул килинганлиги тұғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд "Ишлар"нинг тегиши кисмларини кўрсатиш санасини үзгәртиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камидаги 1 кун олдин хабардор киласи.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аникланниши, уларнинг киймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аникланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини хисобга олган ҳолда қайта хисоб-китоб қиласи, хисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташкари буюртмачига нотўғри хисоб-китоб килинган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошка шартларга жавоб бермаган тақдирда, айборд томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташкари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташкари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечикирилган ёки тўлик бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечикирилиши ёки тўлик бажарилмаслиги туфайли етказилган заарлар копланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун үз вактида ҳак тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида махсус хисобрақамидан пеня тўлайди, бирор бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегиши контрактация шартномаси бажарилмаганини ёки зарур даражада бажарилмаганини учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан копланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ кўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юкори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан копланади

## **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқкан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожаат килишга ҳаклидир

## **VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

- 7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «07» июндан 2022 йил «30» сентябргача амалда бўлади.
- 7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## **VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ**

- 8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

- 8.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан сунг конуний кучга киради.

## **IX. Коррупсияга карши талаблар.**

9.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга карши курашини бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги амалдаги қонунларга риоя этилишини тъминлайди, яни улар, уларнинг ходимлари, кафилланган шахслар, бенифиициялари ва шартномани амалга оширишдаги хамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик килиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул килинишини кафолатлайди.

9.2.Томонлар коррупцияга карши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефонни орқали бир-бирини хабардор килиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидийлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб килиш хуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушшитириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3.Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион ҳавф-хатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор килиш хуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйини мумкин.

9.4.Уцибу бобда қўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор килиш талаб килган томонга етказилган заарларни қоплаш қонунчиликда қўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятлари ни бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор килиниши оқибатида қўрилган заарлар қоплашни талаб килишига ҳакли эмас.

## **X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартномани жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳакиқий хисобланади.

10.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

10.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## **XI. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИЛЛАРИ**

### **Етказиб берувчи**

Ташкилот номи: "Color Force" МЧЖ  
Манзил: Самарканд вилояти Самарканд шахар  
Рудакий кучаси 192 уй  
Телефон: 91-558-79-12  
СТИР коди: 305 463 686  
ОКОНХ:

X/P : 20208000900867403001

Банк номи: ЧЭКИ «Хамкорбанк» АТБ Богишамол  
филиали  
МФО: 01126

Рахбар:  К.Мирмухамедов  
М.Ў. (имзо) Ф.И.Ш

### **Буюртмачи**

Ташкилот номи: Самарканд шахар мактабгача таълим булими  
Манзил: Беруний кучаси 91-уй  
Тел.:  
СТИРкоди: 207267131  
шхр: 401722860184017091100251001  
Ғазначилик бўлинмаси номи: Самарканд шахри бўйича Ғазначилик бўлинмаси  
Ягона Ғазначилик хисобварақлари (ЯFX): 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент шахар Бош бошкармаси ҲККМ  
МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси ИИН рақами: 201122919  
Рахбар:  С.Номиров  
М.Ў. (имзо) Ф.И.Ш



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI  
SAMARQAND SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

170800, Samarqand shahar, Kurchatov ko'chasi, 9-uy, tel.: (998 66) 233 34 37,  
el.pochta: Samarqandyurmarkazi@mail.ru

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIغا MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

“Color Force” MChJ keyingi o'rirlarda ”Bajaruvchi” deb yuritiladi. O'zining Nizomi asosida ish yurituvchi K.Mirmuxamedov nomidan, bir tomonidan va Samarqand shahar maktabgacha ta'lif bo'limi keyingi o'rirlarda “Buyurtmachi” deb yuritiladi, o'zining Nizomi asosida ish yurituvchi rahbar S.Nomirov, ikkinchi tomonidan birqalikda “Tomonlar” deb ataladi, joriy tamirlash shartnomasini tuzish to'g'risida.

Samarqand shahar maktabgacha ta'lif bo'limi hamda “Color Force” MChJ keyingi o'rirlarda ”Bajaruvchi” deb yuritiladi. O'zining Nizomi asosida ish yurituvchi K.Mirmuxamedov bilan 07.06.2022-yil tuzilgan № 92295-69-son Shartnomaning umumiy summasi 725 367 919,0 (Yetti yuz yigirma besh million uch yuz oltmis yetti ming to'qqiz yuz o'n to'qqiz) so'mni tashkil qiladi. Shartnoma predmeti 69-MTT binosini joriy tamirlash.

Shartnoma O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi va “Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi” to'g'risidagi qonuni hamda “Davlat xaridlari to'g'risida” gi qonun talablariga muvofiq tayyorlangan.

Samarqand shahar maktabgacha ta'lif bo'limi tomonidan 07.06.2022-yil tizimga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Samarqand shahar  
Yuridik xizmat ko'rsatish  
Markazi Bosh yuriskonsulti**



2022-yil 8-iyun

**U.Xudayqulov**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Самарқанд шаҳар мактабгача

таълим бўйича мудири

С.Номиров

«\_\_\_» июн 2022 йил

Самарқанд шаҳар МТБга қарашли 69-МТТ биносини жорий таъмирлаш  
бўйича танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши  
**БАЁНИ**

Самарқанд шаҳри

«06» июн 2022 й

Раислик қилувчи

Ж.Норбеков

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Х.Наврӯзов

Комиссия аъзоси, Бош ҳисобчи в.в.б

А.Холбеков

Комиссия аъзоси, Хўжалик мудири

С.Эргашев

Комиссия аъзоси, Давлат харидлари ва  
шартномалар гурухи раҳбари

У.Умаров

Комиссия аъзоси, Давлат ва нодавлат мактабгача  
таълим ташкилотлари фаолиятини ҳамда  
ўқитишининг муқобил шаклларини ташкил этиш  
шуъба мудири

С.Юнусов

Комиссия аъзоси, Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисоби  
бўйича гурух раҳбари

**КУН ТАРТИБИ:**

Самарқанд шаҳар МТБга қарашли 69-МТТ биносини жорий таъмирлаш  
ишлари бўйича

(Ж.Норбеков, Х.Наврӯзов, А.Холбеков, С.Эргашев, У.Умаров, С.Юнусов)

Мактабгача таълим бўлими томонидан 2022 йил 24 майда Узбекистон  
Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Самарқанд  
шаҳар МТБга қарашли 69-ДМТТ биносини жорий таъмирлаш бўйича  
22110012092295-лот раками билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот  
бўйича 2022 йил 03 июндаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини  
ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали оркали  
шаклланган “Самарқанд шаҳар МТБга қарашли 69-ДМТТ биносини жорий  
таъмирлаш баённомасига асосан эълон якунига кўра комиссия аъзолари  
томонидан “COLOR FORCE” МЧЖ ғолиб деб топилганлигини инобатга  
олиб:

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Конунининг 62-моддаси З-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимиغا жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун кабул қилинсин.

2. Давлат харидлари ва шартномалар гурухи раҳбари С.Эргашев:  
Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 03 июндаги электрон баённомасига асосан ғолиб “COLOR FORCE” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Бош ҳисобчи вазифасини вақтинча бажарувчи X.Наврузовга хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия раиси:

Ж.Норбеков

Х.Наврӯзов

А.Холбеков

С.Эргашев

У.Умаров

С.Юнусов